




Ishonch

2016-yil
20-avgust,
shanba

№ 98
(3759)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Олимпиада — 2016



Бектемир финалда, Муроджон бронза медал соҳиби

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзи Олимпия ўйинларида боксчиларимиз муваффақиятли иштирок этмоқда.



Вазни 75 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги ярим финал беллашувида рингга чиққан тажрибали боксчимиз, ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси голиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Мелиқўзиев мексикалик Мисаэль Узиел Родригезга ҳеч қандай имконият қолдирмади ва олтин медал учун курашни давом эттирадиган бўлди. У ҳал қилувчи баҳсда кубалик Арлен Лопез билан беллашади. Вазни 56 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида иштирок этган спортчимиз Муроджон Аҳмадалиев Олимпия ўйинларининг бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, енгил атлетика бўйича баландликка сакраш баҳсларида тажрибали спортчимиз Светлана Радзивил финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Айти пайтда Ўзбекистонлик спортчилар 2 олтин, 1 кумуш ва 5 бронза медал билан умумжамоа ҳисобида 29-ўринда бормоқда.

ЎЗА



Сифатли ва бежирим

>> 3



Мукофотдан алимент ушладимми?

>> 3



Билим ва ҳордиқ уйғунлиги

>> 4

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдида

Тараққиёт босқичлари ижодкорлар нигоҳида

Анъанавий ўтказиб келинаётган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг залворли ютуқларини кенг тарғиб этиш, уларнинг моҳиятини оддий, ҳаётий мисолларда очиб бериш, фаол ижодкорларни рағбатлантиришга хизмат қилаётир.



Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу йилги танловга тақдим этилган ишларда «Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Вата-

ним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган эзгу гоё узаксини толган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» танловининг жорий йилги голибларини тақдирлаш маросимида сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар,

ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндalари, маънавият тарғиботчилари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт

масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г.Алимова, Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Журналистлар ижодий уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Ҳ.Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижодкор-

ларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, иқтидорини тўла намоён этиши, одамлар қалбига етиб борувчи, уларнинг тафаккурини бойитувчи юксак баъдий асарлар яратиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади.

▲(2)

Касаба уюшмалари — хотин-қизларга

Аёлга бахт беринг, саодат беринг

Истиклолимизнинг йигирма беш йиллик шодийнаси яқинлашгани сайин юрагимизда ғурур-ифтихор туйғулари жўш уриб, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадриқимматини янада теран идрок этмоқдамиз. Ортимизнинг шаҳару қишлоқларида, корхона ва ташкилотларида байрамона кайфият. Эришилган мислсиз ютуқлар ва амалга оширилаётган ислохотлар самараси, улароқ, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби фазилатлар мужассамлашгани эътироф этилмоқда. Меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд оилалар, меҳр-муруватга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш каби эзгу анъана Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан уюштирилаётган саховат ишларида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтказилган «Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остидаги байрам тадбирига касаба уюшма фаоллари, хотин-қизлар, талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди. Тадбирда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари, эл севган актёр ва санъаткорлар томонидан ватанимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётгани, бунда элим ва юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир фуқаро, жумладан, фидойи опа-сингилларимизнинг ҳам бекиёс хиссаси борлиги эътироф этилди.

— Мустақиллик йилларида аёлларимиз меҳнатини энгиллаштириш, улар салоҳиятидан



фаол ижтимоий, маданий ва иқтисодий соҳаларда ҳамда бола тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Дилшод Аҳмедов. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотлар томонидан аҳолининг турли қатлами, жумладан, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган инсонпарварлик ишларини амалга ошириш, юртимизда шаклланган азалий қадриятлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий акцияларни ўтказиш тизимли йўлга қўйилган бўлиб, «Касаба уюшмалари — фахрийларга», «Касаба уюшмалари —

ёшларга», «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга», «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!» каби қатор акциялар шулар жумласидан. Бугунги тадбир ҳам ана шу хайрли ишларнинг узвий давомидир.

Дарҳақиқат, «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида, мана, бир неча йилдирки, аёлларни уй-рўзгорда асқотадиган машина техника воситалари билан таъминлаш, шу орқали рўзгор юмушларини энгиллаштиришга ҳисса қўшиб келинмоқда. Бу йил ҳам истиклол байрами арафасида пойтахтда истиқомат қилаётган 214 нафар аёлга маиший электр жиҳозлари совға сифатида ажратилиб, улар кўтаринки байрам тадбирларида ўз эгаларига топширилмоқда.

▲(2)

Байрам шарафига

Тасанно, бободехон!

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами яқинлашган сари мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Бухорода ҳам шонли сангага бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар қўламини тобора кенгаймоқда. Вилоят марказидаги маданият ва истироҳат боғида «Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил этилган Қовун ва асал сайлининг файзи ўзгача бўлди. Тўрт кун давом этган тадбирда 160 нафардан ортиқ фермер, оилавий пудрат асосида ишловчи 20 га яқин асаларчи ўз маҳсулотларини шаҳарликларга тортиқ этди. — Анъанавий сайлимизда фермер хўжалиқлари 1520 тонна қовун-тарвуз, оилавий пудратчилар эса 2,3 тонна асал билан иштирок этди, — дейди сайл хайъати раиси, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Юсуф Курбанов. — Муҳими, маҳсулотлар тури йил сайин кўпайиб, сифати ошмоқда. Нархи бозордиган арзон. Ноз-неъматлардан баҳраманд бўлган қадимий шаҳар аҳолиси, меҳмонлар, ҳатто хорикликлар ҳам бободехонларга тасанно айтишди. Тадбирда Бухоро ва Пешку туманлари, «Маданият Муҳаммад боғи», «Азим Шофиркон юдузи», «Элмурод Дўстмурод Шаҳриёр», «Хастаналур» фермер хўжалиқлари натижалари юқори баҳоланди. Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Куй-қўшқлар барчага байрамона кайфият улашди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Аёлга бахт беринг, саодат беринг

ЎЗБЕКИСТОН

Мухташам театр сахнасида она Ватан ва мухтарам волидаларимизни мадҳ этувчи кўшиқлар янгради. Биз эса ҳозиргина жамоат ташкилотидан байрам тухфасини қабул қилиб олган аёлларни сўхбатга тортамиз.

— Яшнотб туманида истикомат қиламан, — дея ўзини таништиради Феруза Тошева. — Қайнота-қайнона ногиронлиги сабаб, уларнинг парвариши билан бандман. Боз устига, эгизак фарзандларни воғга етказяпман. Тўғриси айтсам, кир ювиш машинаси сотиб олиш ниятида эдим. Бирок... Бугун ана шундай қимматбаҳо совғага эга бўлганимдан қувончим ичига сиғмаяпти. Саховатпеша инсонлар омон бўлишини.

Акция доирасида хотин-қизларни касабани уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштириш мақсадида йўланмалар ажратилган эса, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга туртки бўлмоқда. Тадбирда 10 нафарга яқин аёлга бепул йўланмалар тақдим этилди.

Айтиш жоизки, ҳаётимиз осудалиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлизлигини таъминлаётган посбонларимиз — ҳарбийларнинг борлиги кўнглимизга гурур-ифтихор бағишлайди. Мустақилликини мустаҳкамлаш, маҳалла-қўй, ён-атрофдагилар хотиржамлиги учун жонини фидо қилган алл ўғлонлар хотираси абадийдир. Касаба уюшмалари тадбирида хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оиласига ҳам кўмак кўрсатилди.

— Ҳарбийлик — шарафли касб, унинг залворли юқини кўтариш учун юксак ирода ва тоғдек матонат керак, — дейди Зулфия Саидова. — Турмуш ўртоғим Санжар Саидов ҳарбий эди, минг афсуски, хизмат вақтида ҳаётдан кўз юмди. Умр йўлдошимдаги шижоат, ҳаракатчанлик хислатлари фарзандларимга ўтган. Айна пайтда икки нафар фарзандни тарбияляпман. Улардан умидим катта, отаси каби эл қорига ярайдиган инсон бўлишини хоҳлайман. Мустақиллик байрами арафасида касабани уюшмаларимиз бизга берган эътибор ва ғамхўрлигидан жуда руҳландим. Барчаси учун ташкилотчилардан миннатдоримиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, ҳар йили пойтахтдаги коллеж ва олий ўқув юртида таълим олаётган иқтидорли талабалар ҳам касабани уюшмаларининг стипендиясига сазовор бўлишмоқда. Бу йил 27 нафар иқтидорли ёш ана шундай шарафга лойиқ топилди.

Бу каби кўтаринкиликни пойтахтимизнинг Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам кузатдик. Тадбирда 17 нафар хотин-қизга Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг томонидан ажратилган электр-маиший техника жиҳозлари топширилди.

— Севишли шoirаларимиздан бирининг шундай ажойиб сатрлари бор:

Аёлга бахт беринг, саодат беринг, деманг юрибди-ку, кулиб, жилмайиб.
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин, дунёни олиши мумкин жилмайиб,

— дея ўз ҳаяжонини шеър билан изоҳлайди тадбир иштирокчиси Дилором Ҳамробоева. — Миробод туманидаги «Файзиобод» маҳалласида яшайман. Инсон тақдир синовларини аввалдан билмас экан, бир неча йил аввал турмуш ўртоғимдан айрилдим. Икки нафар фарзандимни тарбиялаб воғга етказяпман. Шеърлар машқ қилиб тураман. Юртимиздаги сахо-

ватпешалик, йиқилгани суяш каби эзгу фазилатларни амалдаги ифодасини кўриб, эътироф этмай бўладими, ахир! Касаба уюшмаларининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган акциясининг нафақат моддий, тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Тақдим этилган уй-рўзгор жиҳозлари кўнглимизни тоғдек кўтарди.

— Маҳалламизда 1580 нафардан зиёд аҳоли истикомат қилади, — дейди «Янги Миробод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳмудда Ҳакимова. — Маҳалламизда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида тикувчилик, қандолатчилик цехи ташкил этилган.



Уларга ишсиз ва эҳтиёжманд аёлларни жойлаштиришимиз. Шунингдек, 2 та боқувчисини йўқотган ва 5 та эҳтиёжманд оила бекаларини турли байрамларда йўқлаб, имкон қадар кўмак бериб турамыз. Касаба уюшмалари совғасига кўпбололи Елизавета Давудовани тавсия қилдик. У бугунги тадбирда иситиш мосламасини қабул қилиб олди. Касаба уюшмалари билан ижтимоий ҳимоя борасидаги ҳамкорлигимиз оилалар фаровонлигининг ошиши, хотин-қизларнинг жамият ва хонадондаги ўрни улғайтишига сабаб бўлмоқда.

Тадбир давомида бу каби миннатдорлик сўзларини кўп бор эшитдик. Иштирокчилар учун таниқли санъаткорлар ва ёш ҳаваскорлар ижросида концерт дастури намойиш қилинди. Озод ва обод юртимизни тараннум этувчи куй ва кўшиқлар барчага завқу-шавқ бағишлади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

АНДИЖОН вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги 4-болалар мусика ва санъат мактабида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда хотин-қизларга муносиб турмуш шароити яратишга кўмаклашиш аънаъаси яна бир бор ифодасини топди.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясини Кенгаши раиси Танзила Нарбаева йиғилганларни энг улуг, энг азиз айём билан қўллаб, мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида инсон қадр-қиммати, шаъни ва қонуний манфаатларини улғайтириш, самарали меҳнат қилиши ва турмуш кечириши, ёш авлоднинг истеъдод ва салоҳиятини кенг намойиш этиши учун зарур шароитлар яратишга қўллаб-қувватлашга ташкиллади. Айниқса, аёлларнинг уй меҳнати ва маиший шароитларини яхшилаш,

ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини янада кучайтириш, соғломлаштиришга қаратилган доимий эътибор ўзининг ижобий натижаларини бераётганлиги қайд этилди.

Тадбирда Қўрғонтепа тумани, Қорасув ва Хонобод шаҳарларида истикомат қилаётган қирқдан зиёд оила бекаларига кир ювиш машиналари, чангютич, микротўқинли печ сингари замонавий жиҳозлар топширилди.

— Ушбу жиҳозлар кундалик юмушларимизни енгиллаштирадиган бўлди, — дейди Султонобод шаҳарчасида яшовчи уй бекаси Ҳодисахон Эргашева. — Президентимиз ўзининг ҳар бир табрик ва нутқларида аёлларни эъзозлаш ва асраб-

авайлаш, уй бекаларига яхши шароит яратиш масаласини ўртага қўйдилар. Бугунги тадбир ана шу фикрларнинг ҳаётий ифодаси бўлди.

Ижтимоий акция доирасида мустақиллик йилларида Ватан олдидаги шарафли бурчини ва хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига пул мукофотлари тақдим этилди. Бундан ташқари, корхона, ташкилот ва муассасаларда самарали меҳнат қилиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган бир гуруҳ аёлларга Федерация тизимидаги санаторийларга бепул йўланмалар берилди.

— Кўпдан буён санаторийда даволашиб келишни орзу қилиб юргандим, — дейди Қизирқ туманидаги «Қорасув» маҳалласида яшайдиган Гулсара Қўқинова. — Мана, пойтахтимиздаги «Бўстон» санаторийсига бепул йўланма беришди. Бунинг учун тадбир ташкилотчилари ва биз, оналарга барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Тадбирда олий ўқув юртилари ва касб-ҳунар коллежларининг бир гуруҳ иқтидорли талаба ва ўқувчиларига Ўзбекистон касабани уюшмалари Феде-




— Орзуим ушалди, — дейди «Қўрғонтепадомахсулолари» акциядорлик жамияти ишчиси Доноҳон Ураимова. — Айниқса, «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўланма олганлигим соғлом оила ва бола йилида мен учун эър совға бўлди.

Шу кунги олий ўқув юртилари ҳамда касб-ҳунар коллежларининг ўттизга яқин иқтидорли талаба ва ўқувчиларига касабани уюшмалари Федерациясини Кенгаши томонидан таъсис этилган стипендиялар сертификати, имконияти чекланган бир гуруҳ ўқувчиларга эса ўқув анжомлари тўплами ҳамда совғалар топширилди.

— Янги ўқув йили олдида касабани уюшмалари стипендияси билан тақдирланганимдан хурсандман, — дейди Хонобод ахборот технологиялари ва санъат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Гулбахор Машраббоева. — Бундай рағбат ва эътибор пухта ва мустаҳкам билим эгаллашга чорлайди, албатта.

Бундай тадбирлар Андижон шаҳри, Асака, Балиқчи, Булоқбоши туманларида ҳам бўлиб ўтди. Вилоятнинг барча ҳудудларидан уч юздан зиёд хотин-қизларга маиший техника ва уй-рўзгор буюмлари тақдим этилди.

Нурилло НЎЪМОМОВ,
«Ishonch» мухбири



СУРХОНДАРЁ вилоятининг олис ва чекка ҳудудларида истикомат қилаётган уч юздан ортик эҳтиёжманд оилаларга замонавий кир ювиш машиналари, чангютич, микротўқинли печ ва бошқа зарур электр-маиший техника воситалари топширилди.

— Айниқса, имконияти чекланган инсонлар, хотин-қизлар, ёшлар ва ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди вилоят касабани уюшмалари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қобил Боболов.

— Соғлом она ва бола йилида оиламизга берилган замонавий кир ювиш машинаси мушкулларимизни осон қиладиган бўлди, — дейди Сарисий туманидаги «Эркин» маҳалласида истикомат қилаётган Фотима Баротова. — Тинч-фаровон Ватандоғи мана бундай эъзоз топиш мумкин. Дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган нотинчликлардан беғуноҳ оналар, болалар хиддий азият чекаётган бир пайтда Ўзбекистонимизда бундай эзгу ишлар амалга оширилаётганидан фахрланамиз. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик абадий бўлсин.

Мустақиллик йилларида Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, бир гуруҳ аёлларга Федерация тизимидаги санаторийларга бепул йўланмалар берилди.

— Кўпдан буён санаторийда даволашиб келишни орзу қилиб юргандим, — дейди Қизирқ туманидаги «Қорасув» маҳалласида яшайдиган Гулсара Қўқинова. — Мана, пойтахтимиздаги «Бўстон» санаторийсига бепул йўланма беришди. Бунинг учун тадбир ташкилотчилари ва биз, оналарга барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Тадбирда олий ўқув юртилари ва касб-ҳунар коллежларининг бир гуруҳ иқтидорли талаба ва ўқувчиларига Ўзбекистон касабани уюшмалари Феде-



рациясини Кенгаши томонидан таъсис этилган стипендиялар сертификати, олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг бир гуруҳ талаба ҳамда ўқувчиларига махсус ўқув анжомлари топширилди.

Зебунисо Отабоева — Урганч туман санъат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи дастурий инженерлик йўналиши иккинчи босқич ўқувчиси. Мустақил ватанга муносиб бўлишга интилаётган қизнинг орзу-нияти юксак.

— Компютер технологияларини пухта ўзлаштириб, тараққиётга хизмат қилувчи дастурлар яратишни истайман, — дейди Зебунисо.

З.Отабоева Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясини Кенгаши томонидан таъсис этилган стипендияга сазовор бўлди. Хоразм вилоят касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан 11-вилоят болалар мусика ва санъат мактабида ташкил қилинган маънавий-маърифий тадбирда у каби яна 7 нафар иқтидорли қизларга касабани уюшмаси стипендияси тақдим этилди.

Шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида Урганч ва Янгибозор туманларидаги

аёллардан 53 нафарига Касаба уюшмалари Федерациясини томонидан кир ювиш машиналари, чангютич, электр печи, микротўқинли печ каби электр-маиший техника жиҳозлари берилди.

— Бугун менга тухфа қилинган кир ювиш машинаси оиламизнинг кўмақчисига айланиши аниқ, — дейди Янгибозорлик Лайло Ортиқова. — Кир ювишга кетадиган вақтим тежаландим бўлди.

Тадбирда, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида тахсил олаётган 3 нафар кўзи оғир талабаларга махсус дафтарлар тўплами топширилди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилиши белгиланган. Яна 220 та маиший техника жиҳозлари, 10 та стипендия ва турли совғалар ўз эгаларига етказилди.

Мухаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

НАМАНГАН вилоятининг Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида ташкил этилган тадбирда ижтимоий соҳа ва иқтисодий тarmoқларига самарали меҳнат қилаётган касабани уюшма ташкилотлари аъзолари, меҳнат фахрийлари, ёшлар, журналистлар иштирок этди.

Ушбу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиеъатга ҳамоҳанг ҳолда жамият ҳаёти ва ислохотларда фаоллик кўрсатаётган ишчи-хизматчиларни муносиб рағбатлантириш, хотин-қизлар, айниқса, қиллоқ аёллари ва ёшларни, ижтимоий ҳимоятлаб оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Тадбирда бир гуруҳ хотин-қизларга замонавий маиший техника воситалари, меҳнат фахрийларига санаторийларга йўланмалар топширилди, иқтидорли талабалар эса касабани уюшмалари стипендияси сертификати билан рағбатлантирилди.

— Бугун мен сингари 11 нафар аёлга уй юмушини енгиллатувчи жиҳозлар совға қилинди, — дейди Уйчи туманилик Халима Ганиева. — Эътироф қилишимиз лозимки, оғир-енгли кунларимизда касабани уюшмалари ҳамиша елкадош бўлмоқда. Аёл, айниқса, уй бекаси учун бу жиҳозлар сира ортиқчалик қилмайди. Бунинг учун чин дилдан миннатдорлик изорҳ этаман.

Бугун юртимизда эришилаётган улкан ютуқлар, ишлаб чиқаришга татиқ этилаётган ихтиролар, ижобий ўзгаришлар омили бўлаётган ташаббуслар, мамлакатимиз таълим тизимининг қанчалар ҳаётбахш ва маҳсулдорлигидан далолатдир. Айни шу тизим талаблари доирасида ёшларга алоҳида эътибор, ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг изланишлари, интилишлари муносиб рағбатлантириб келинмоқда.

Тадбирда «Касаба уюшмалари — ёшларга» акцияси доирасида 22 нафар иқтидорли талаба-ўқувчиларга «Касаба уюшмалари стипендианти» номига сазовор бўлишди.

— Бундай эътибордан илҳомланмай буладими? — дейди Санг маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи 1-босқич талабаси Шаҳноза Рустамова. — Бугун биз осуда юрда эмин-эркин яшамокдамиз, таълим олмоқдамиз. Кўнглимиз хотиржам, ёруғ келажагимиздан қалбимиз осойишта. Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдоримиз. Бу ғамхўрликларга юртимизнинг бундан-да гуллаб-яшнаши, ривож топган давлатларга ўртасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишини таъминлай оладиган юқори малакали ишчи кучи ва юксак тараққиёт учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган етуқ мутахассис бўлиш билан жавоб беришимиз шарт.

Тадбир доирасида Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами муносабати билан 14 нафар аёлга тизимдаги санаторийларга бепул йўланмалар тақдим этилди ҳамда 12 нафар фахрийга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Наманган вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Х.Бозоров, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясини Кенгаши раиси Т.Нарбаева иштирок этди.

Дилдора РАҲМОМОВА,
«Ishonch» мухбири

Тараққиёт босқичлари ижодкорлар нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОН

Оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ташкилий чора-тадбирлар, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари журналистларнинг эркин фаолият юритиши, ахборот олиши, матбуотимизнинг мустақил бўлишини таъминламоқда.

Миллий адабиёт, маданият ва санъатимизни рағбатлантириш, унинг ўзига хос мактаб ва аънаёларини ривожлантириш йўлида кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик ҳалқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, истиқлол йилларида маънавий-маърифий жаҳаларда эришган ютуқларимизни жаҳонга намойиш этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловига тақдим этилган ижодий ишларда бу ақвол ифодасини топган.

Танловнинг мамлакат босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, ди-зайн, кино йўналишлари бўйича 390 га яқин ижодкордан 4 минг иш қабул қилинди. Тақдим этилган асарларни баҳолашда уларда мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги айми шукҳи, ўтган давр мобайнида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётгани, шу заминда яшайдиган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилиги, эртанги кунга ишончлиги, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳалқимиз, айниқса, ёш авлодга ҳаётий, таъсирчан, содда ва айнаи дама салимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганга эътибор қаратилди.

— Президентимиз раҳнамолигида ҳалқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, матонатни туфайли қўлга қилиб келган, бутун дунёда эътироф этилаётган улкан ютуқлардан ҳар қайсимииз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳалқимиз, — дейди танлов фоҳиби, «Урганч ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Сотимбой Аветов. — Бундай муваффақиятларнинг барқарор ва бардавом бўлиши учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссасини қўшиб яшаш — буларнинг ҳаммасини тараннум этиш ёки, ижодкорларнинг асосий вазифамиз, фуқаролик бурчимиздир.

Мукофотланганлар мамлакатимизда ижод ахлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, самарали меҳнат қилиши учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кўрсатаётган юксак эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилшод ҚАРИМОВ,
ЎЗА мухбири



Икром ҲАСАНОВ, Гўзал НОРЧАЕВА олган суратлар

ЖАРАЁН

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Ўтмишдан эртақлар...

ёхуд дориламон кунлар шукронаси

Меҳнат Фохрийси, 80 ёшли парентлик Соҳиб ота Орипов шундай ҳикоя қилади:

— Болалигим ҳозир яшаб турганим Бешкапа жомеъ масжиди олдидаги ҳовлида ўтган. Икки уй, бир айвонли, усти қамиш билан ёпилган уйда, тор ҳовлида ўн жон кўним топгандик. Отамнинг касби темирчи бўлиб, ҳалқ орасида уста Ориф номи билан машҳур эди. У вақтлар электр чироқлари йўқ, ҳамма иш қўл кучи билан бажариларди. Обид акам 14-15 ёшларда эди. Мен ҳам эсимни таниб қолгандим. 1945 йили ўша даврдаги Ворошилов номи, ҳозирги 46-мактабнинг 1-синфида ўқишга бордим. Бошимда оқ тор дўппи, эгнимда чит кўйлак, бўздан тикилган оқ иштон. Оёғимда қовуш, кўлимда дафтар-китоб солиб юрадиган бўз халтани (сиёҳдон соладиган чўнтаги ҳам бор эди) кўтариб ўқишга қатнай бошладим. Оилалар ночор яшар, ўша йили Муҳаббат исми синглим қизамикдан вафот этган эди. Йигитлар фронтдан ярим-ёрти кайтган. Колхоз отамни бир кун ҳам ўз ҳолига қўймайди. 1946 йили эса Ҳасан-Ҳусан ва Сиддиқов исми укаларимга қизамик чиқди. Табиблар болаларга гүлтожиҳўроз ўсимлигининг суви иссиқни туширади, деб доим ичирар, лекин сира нафи тегмасди. Шу касаллик тўғриси оиламиз 10 кун ишлата яна учта фарзандидан айрилди. Бунинг устига йўқчилик тинка-мадоримизни қуритди. Хайриятки, отам хунарманд бўлиб,

уйимиздан одам узилмасди. Кимдир бир коса арпа, кимдир бир пиёла қатиқ ва ҳоказоларни олиб келиб, пичоқ, теша, болталарини чархлатиб кетади. Лекин қиш кунлари қийнамазим, ҳатто ёзда йиғиб қўйган таппи-тезак ҳам тугаб қолади. Сандалга кўр олов тополмайсиз. Шундай ночор аҳволда яшаётган оилалар турли солиқлар тўлаш, заёмлар сотиб олишга ҳам мажбур. Солиқчилар уйма-уй юради. Уларнинг ваколати кучли: бемалол ҳовлимизга кириб уй-жойимиз, дон-дунимиз, эчки-улоғимизни текширади. 1949 йили кўклам ойларида уйимиздаги биттагина наमतимизни ҳам тортиб олишди. Ёзга эсон-омон чиқиб олсак, далада бурчоқ, тах-тах пишаларди. Фалла ўрмидан бўшаган майдонларда болалар машоқ терардик. Гоҳо пожарнийлар (дала кўриқчилари) отда етиб келиб сиёсат қилар, гоҳида қамчи билан ўғил болаларни савалаб кетарди. Уйга келтирилган машоқлар эшак ёки ёғоч тўқоқлар билан янчилар, гоҳида онамиз, гоҳида ўзимиз янчиб олардик. Ёз мавсумида 500 ёки 700 кг. гача дон йиғиб олардик. Йиғилган дон ишончи жойда — ётадиган уйимиз ичиде сақланар, уй ўртасида ўра бўларди. Ана шу ўраларга бугдойни жойлаб, устига намат, кўрпа солиб ўтирардик. Оз қисмини халтада, бўз қопда, тоқчаларда эҳтиёт қилиб сақлардик. Шундай вақтлар бўлганки, ҳатто ака-укалар бир-бирининг уйида донни ўғирлаб кетишган. Сут берадиган сигирлар санокли

хонадонларда бўларди. Аксариятида эчки, улоқ сақланган. Тириқчилик яхши ўтмаганди учун одамлар шоли экиладиган туманларга бориб ёлланар, 150-200 кг.гача шоли ишлаб келарди. Қиши билан ўғирларда янчиб, гуруч қилиб оларди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: кўшнлар ўртадаги девор туйнугидан бир-бирига пиширган овқатларидан узатарди. Эрақлар далага ишга кетганида аёллар бир-бирининг уйига чиқиб, чой ичишарди.

Биз болалар эса ариқдан сув ичиб кетарардик. Ариққа кимдир нопок нарса ташласа, қариялардан эшитадиганини эшитарди. Чиллак, халпон, эшак минди, кураш тушиш, бекинма-чоқ биз, ўғил болаларнинг эрмагимиз эди. Қизлар эса топтирма ўйнар, уйда хияк тикиб, қурпа, кўрпа-ёстик қилишар, қошларига ўсма, кўлларига хино қўйишарди. Барчасининг замирида ҳаё ва ибто ётарди. Келин-куёвлар бир-бирини чимилдикда кўрар эди.

Урушдан кейин ҳам машаққатли ҳаёт давом этди. Оталари фронтдан қайтмаган болаларнинг ҳолига вой эди. Бўз иштон, чит кўйлак, пинжак деган кийимлар ўзгармаган. Буви си қўлида тарбия тогган кўшим бўларди. Бир кун буви си унга, иштон-кўйлақларингни ечгин, бугун кир ювам, тоқчага тозасини олиб қўйибман, шуларни кийиб, мактабига бор, дебди. «Тоқчада турган тоза кийимларни кийдим-да мактабга кетдим, — дея эслайди кўшим. — Тоза эгни-бош-

лар кийиб олгандан кейин ўзимни яхши ҳис қилдим. Дарсда ўтирибман. Уқитувчи бир пайт, қани, йўлдошев, доскага чикинг, деб қолди. Чикдим. Синфда 25-30 та бола бўлса, ҳаммаси мени кўриб кула бошлади. Муаллим нима гап, деганча менга тикилиб қаради-да, йўлдошев, ўтиринг, эртага иштонни ўзгартириб келинг, деди. Оёғимга қарасам, бувимнинг жиякли иштонини кийиб чиққан эканман». У вақтларда электр чироқ қаёқда дейсиз. Тўйларда узун сопли темир айрига тикилган икки ёки уч дона чалмани керегинга шимдирганча ёндириб давра ёритиларди. Тўйга келган йигитлар ўртани доира шаклда ушлаб турарди. Тўй тамом бўлгунча ёритувчи шу вазифага масъул эди.

Ҳозир бу гаплар ёшларга эртақдек туюлади. Минг шукрки, дориламон замонда орзу-ҳавасларимни рўёбини кўриб, 5 қиз, 4 ўғил ва нева-чавара, эвараларнинг ардоғида умргузаронлик қилаяпман. Бундай бахтни бизга улуг истиклол берди. Мамлакат миқёсида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижа-сида аълолик жана тинчлик ўлкага айлана бораётди. Мен истиклол йўли-ларида бахтининг ҳақиқий таъмини сез-дим.

Мустиқилликка эришганимиздан кейин юртимизда муқаддас динимиз ривожига катта эътибор қаратилди. 1991 йилдан 2012 йилгача Паркент туманининг ўзидан 262 нафар одам Ҳаж зиёратига бориб келди. Собиқ тузум даврида бундан ора қилишга ҳам чўчи-ганми. Энди ўйлаб кўринг, шундай имкониетни қадрлаб олиш мумкинми? Истиклол тўғрисида қадимиз юксал-ди, юртимиз обод бўлди. Айниқса, Президентимиз ва халқимиз томони-дан кўрсатилган доимий эъзоз ва ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек ўтар-рилмоқда. Хар гал дуога қўл очганим-да, диёримизда тинчлик-осойишталик барқарор бўлишини, фаровон ҳаёти-мизга кўз тегмаслигини Аллоҳдан сўрайман.

«Ishonch» мухбири Нозима УМАРОВА ёзиб олди.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Мукофотдан алимент ушланадими?

САВОЛ: Танишим 1 нафар фарзанди учун алимент тўлайди. Суд қарорига асосан иш ҳақидан 25 фоиз миқдориде тўлов ундирилади. Шу билан бирга, у сув спорти билан шуғулланади. Вилоят ва республика миқёсида ўтказилган бир қанча мусобақаларда соврилли ўринларни эгаллаб пул мукофотлари билан тақдирланган. Мазкур мукофотлардан ҳам алимент учун ушлаб қолинадими?

Жобир ТўРАЕВ, Наманган шаҳри

ЖАВОБ: Мамлакатимиз қонунчилигига биноан ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушлар ҳисобиде ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин. Хусусан, алиментларни ва алимент бўйича қарздорликларни ундириш тартиби Оила кодексининг 14- ва 18-боблари билан тартибга солинади. Ушбу кодекснинг 99-моддасига биноан агар воғеа етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан ундирилиши белгиланган. Бунда алимент иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромаднинг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун — ундан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярми миқдориде ундирилади.

Лекин ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаглиги керак.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 172-моддасига кўра иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни бажарётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга қам тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади. Ушбу даромадларга қуйидагилар кирди:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизим-ларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб машоқларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;
- илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар;
- рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;
- компенсация тўловлари (компенсация);
- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;
- предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-хуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўловлар юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар. Демак, мазкур даромадлар ҳам алиментни ҳисоблаб чиқиш пайтида ҳисобга олинади.

Алимент тўловчининг бошқа даромадларига қиммалар қиратиши эса Солиқ кодексининг 178-моддасида батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра:

- пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар;
- стипендиялар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;
- донорлик учун пул мукофотлари;
- мусобақаларда, кўриқларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;
- яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар;
- ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;
- моддий ёрдам тариқасида бериладиган тўловлар ва бошқалар.

Оила кодексига мувофиқ алимент тўловчининг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан олинар экан, демак, юридик шахс томонидан жисмоний шахсга тўлаб бериладиган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация тўловлари, ишланмаган вақт учун тўловлар ва Солиқ кодексининг 178-моддасига асосан тўланадиган бошқа маблағларнинг, жумладан спорт мусобақаларида қўлга киритилган мукофотларнинг жами ҳисобланиб, ундан суд қарориде белгиланган алимент суммаси ушлаб қолинади.

Алиментлар суммаси жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва сугурта бадаллари ушлангандан сўнг ҳисоб-китоб қилинади.

Саволга Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 7- ДНИ нотариуси Камолиддин ҚАМБАРОВ жавоб берди.

Реклама

Хотира уйғонса, гўзалдир



Мирзачўл заминиде Сирдарё вилояти ташкил топиб, тажрибали, билимдон, меҳнатсевар кадрлар сув ва ҳаводек зарур бўлганда мамлакатимизнинг турли гўшаларидан ёш, малакали кадрлар ишга таклиф қилинди. Улардан бири Бирлашхон Пирназаров эди.

Чўл фарзанди

Ўн ёшида отасидан айрилган болакайни тақдир қанча-қанча синовларга рўбарў қилди. Мақсадга етишиш учун ҳаракат қилиш, ўқиш, ўрганиш зарурлигини у ўқувчилик даврларидаёқ англаб етди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, Чирчиқ шаҳридаги Танкчилар билим юртига ўқишга йўл олди. Уни тамомлаб, Самарқандда ишлади. Ҳарбий хизматда бўлди. Сўнг Андижонга қайтди. Билимини янада ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасида сирдан тахсил олди. Қўрғонтепа туманидаги «Теран» хўжалигида аграном бўлиб ишлади. Одамларни ортидан эргаштира олиш қобилияти кўпчилик билан ишлашда қўл келди...

Хуллас, ўша вақтларда орттирилган тажриба жамоа хўжалиги раиси фаолиятида асқотди. Унинг пойқадими кутлў келиб, ҳосилдорлик ошди, аҳолининг рўзгорига кўт-баракка кирди. Халол, камтар, тиниб-тинчимас раиснинг номи эл орасида хурмат билан тилга олинган бўлди. Бу унга янги куч-қудрат, руҳий тетиклик бахш этди, юксак чўққилар сари йўл очди.

1967 йилда Бирлашхон Пирназаров Пахтакор туманига ишга ўтди. Аввалига осон бўлмади. Ўша вақтлар пахта ҳосилга кирганида чўлни ташлаб кетадиганлар кўп бўлиб, уларнинг чўлда муқим яшаб қолиши учун шартно лозим эди. Буларни амалга ошириш учун эса пўлатдек вирода талаб этилар, бу Бирлашхон Пирназаров қалбиде мужассам эди.

У Гулистон туманида ишлаганда ҳам ўзига хос мактаб яратди. Бу ҳол хўжалиқларда ер унмдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, техникадан унумли фойдаланиш, келажак нафаси билан яшаш дегани эди. Шу боис Бирлашхон Пирназаров раҳбарлик қилган йилларда туманда пахта, галла, чорва маҳсулотларини етиштириш режаси ошириб бажарилди. Гулистон шаҳри билан туман марказини боғловчи йўл асфалтланди, хўжалик кўрғонлари ободонлаштирилди. Мактаб, боғча, клуб, ҳаммомлар қурилди, боғлар барпо этилди. Кейинчалик Бирлашхон Пирназаров касабда уюшма ташкилотлари вилоят кенгаши раиси, Гулистон туманидаги ҳозирги «Дўстлик» жамоа хўжалиги раиси, сўнгра «Деҳқонобод» кўрғони оқсоқоли бўлиб ишлаган пайтларда ҳам ортиндан бошқаларни эргаштира билди.

Қаерда ишламасин, салоҳияти ва ташкилотчилиги билан қатор ишларни амалга оширган, умр йўлдоши Тўхтахан ая билан 7 қиз фарзандни воғеа етказиб, халқ хизматиға камарбаста қилган камтар инсон Бирлашхон Пирназаров ҳозир орамизда бўлмаса-да, унинг ҳаёт йўли, ўғитлари фарзандлари ва шогирдларига мактаб вазифасини ўтамоқда. Ерқин қиёфаси хамиша у кишини таниган, билган, бирга ишлаган инсонлар хотира-сида мангу муҳрланган.

Бинобарин, Бирлашхон акаға ўхшаган инсонлар ёди боқийдир.

Шухрат СУЯРОВ, журналист

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик



Наманган шаҳридаги «Dambog» Poyabzali Savdo» хусусий корхонасида 100 дан ортиқ турдаги сифатли ва бежирим пойабзаллар ишлаб чиқарилмоқда. 40 нафарга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларининг бир қисми экспортга чиқарилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Султон Мирзакаримов.

УЗА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Мақсадли кредитлар имконияти

Маълумотларга кўра, банк аҳоли фаровонлиги ва бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган. Ушбу мақсадда ажратилган кредитлар эса қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, бунинг натижасида янги иш ўринлари яратиш ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.

Қайд этилганидек, банк томонидан кичик бизнес субъектлари, озиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга доимий равишда маблағлар ажратиб келинмоқда. Шунингдек, махсус жамғарма ҳисобидан имтиёзли кредит бериш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликка, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга жиддий аҳамият бериляпти. Касб-хунар коллежлари битирувчиларига эса тадбиркорлик фаоли-

ятини амалга ошириш учун кредитлар ажратилмоқда.

Эътироф этиш керак-ки, шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» кичик бизнес субъектларини фаол қўллаб қувватлашга кенг эътибор қаратди. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан ажратилган кредитлар 517,6 млрд. сўмни ташкил этди. Шу даврда аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишга шарт-шароитлар яратиш учун 152 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Шунингдек, анжуманда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан амалга оширилиши кўзда тутилаётган истиқболли лойиҳалар, банк фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишлари бўйича маълумотлар берилди.

Тадбир сўнигда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Раъно МАХҚАМОВА, «Ishonch» мухбири

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги капитал қурилиш ва фойдаланиш бошқармаси қуйидаги объект бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи: «Жиззах вилоти, Баҳмал аҳоли пункти 36-ҳарбий шаҳарчасидаги 24114-ҳарбий қисмининг канализация ва тозалаш иншоотларини капитал таъмирлаш ва асбоб-ускуналар ўрнатиш». **Бошланғич нархи** — ҚҚСиз 759,652 млн. сўм, ҚҚС билан 911,583. Ишларни тугаллаш муддати: 61 иш кунини Молиялаштириш Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. **Бюртмачининг манзили:** Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. Телефон: (0-371) 260-39-96.

Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан кўп бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объекти бўйича бошқа тенг шартноларда кичик бизнес субъектларига устуллик берилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган ушбу объектиларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади. Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдориде айлана маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониетларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх **преференциялари** кўзда тутилган: оферентларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод этилган импорт ишларини бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиши учун сўрновма билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилоти қурилиш ва танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах ш. Х. Дўстлиги шоҳ кўчаси, Medstar клиникаси ёнидаги бино. Тел./факс: (0-372) 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 150 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисиға тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатиғача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах ш. Х. Дўстлиги шоҳ кўчаси (Жиззах вилот қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази) мажлислар зали.

Хизматлар лицензияланган.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Банк ва mijoz

Масофавий интерактив хизматлар кўлами кенгаймоқда



Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда барча жабҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилиб, ривожланиш йўлида дадил қадамлар ташланди. Муболағасиз айтиш мумкинки, забт этилган марралар тараққиётнинг миллий стратегияси, яъни «Ўзбек модели»га асосланган ислохотлар босқичма-босқич ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги самарасидир.

Бугунги ҳаётимизга теран назар ташласак, ҳар бир соҳада янгиланишлар юз кўрсатаётганига ғувоб бўлаемиз. Мисол учун, ахборот-коммуникация технологияларида самарали фойдаланиш ҳар қандай фаолиятда ривожланиш омилли бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, замонавий техника-технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Бу қулай ва масофавий электрон тизим ёрдамида молиявий ҳисоб-китобларни янада соддалаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда кўрсатилаётган хизматлар кўламини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш борасида тижорат банклари ҳам изчил иш олиб бораётди.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар Республика «Агробанк» АТБ фаолиятида ҳам ўз ифодасини топомқда. Жумладан, ишбилармон-тадбиркорлар ва mijozларга замонавий интерактив хизматлар кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Базирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карталар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифалар

нинг кенг жамоатчиликка тарғибот қилиниши банк тизимида, иқтисодий тизимнинг янада ривожланиши, маблағларнинг банкдан ташқари айланмаси кескин камайиши, савдо ва пулли хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти юксалиши ҳамда кўплаб соҳаларда ижобий самара бермоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 1 август санасига банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар сони 3 млн. 530 минг 340 донага етказилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 683,3 минг донага кўпайди.

Савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 30776 донага ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4663 тага ошди.

Банк тизимида замонавий интерактив хизмат турларини ривожлантириш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Келинг, шу ўринда банк томонидан кенг оммага ҳавола этилаётган ва амалиётга татбиқ этилаётган замонавий хизмат турлари билан яқиндан танишсак.

AGROBANK-CLICK — замонавий инновацион хизмат тури бўлиб, юқори функцияли интернет тармоғи ҳамда мобил телефон орқали банк хизматларидан фойдаланишда кенг им-

коният яратиши билан эътиборлидир. Мазкур дастурий маҳсулот аҳолини банк хизматларига бўлган қизиқиш ва ишончини орттириб, қатор қулайликлар яратди. Шунингдек, пул маблағларини бошқа электрон тўловларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳисоб рақамларига ўтказишда банкка келишга зарурат қолдирмайди. Тўловлар эса бевосита уларнинг ҳисоб рақамларидан ва пластик карталар ҳисобидан хизмат кўрсатувчилар ҳисоб рақамига реал вақтда автомат равишда ўтказилади.

Мобил савдо — ушбу янги хизмат тури орқали чакана савдо ёки пулли хизмат фаолияти билан шугулланувчи барча савдо шохобчала-

Мазкур хизмат туридан фойдаланаётган mijozлар бундай имконият яратилганлиги вақтини тежаси, ортиқча овозгарчиликнинг олдини олиш, савдо хизматининг қулай ва тезкорлиги билан харидорларга ҳам маъқул келаётганини таъкидлашмоқда.

Бундан ташқари, мазкур хизмат туридан юридик ва jismoniy шахслар фойдаланаётган пайтда интернетга улашиш талаб этилмайди, аксинча, компаниянинг алоқа тармоғи ишлаб турса kifoya. Тўловлар USSD хизмати орқали амалга оширилади. Mijozлар ўз телефонлари билан ушбу хизмат тури орқали савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларида тўловларни амалга ошириши мумкин.

Банк жамоаси аҳоли ва mijozларга янада қулайлик яратиш мақсадида олиб бораётган изланишлари натижасида яна бир янги «AGROBANKMOBILE» замонавий инновацион хизмат тури мобил-иловаси жорий қилинди.

Ушбу хизмат туридан қўзланган асосий мақсад шаҳару қишлоқларида савдо ҳамда пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларининг аҳолига сифатли, тезкор ва ишончли хизмат кўрсатишини янада яхшилашдан иборатдир.

Мазкур янги хизмат нафақат банк пластик карталаридан фойдаланувчи mijozларга, балки ҳужалик юридувчи субъектлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун масофадан туриб тўловларни амалга ошириш имкониятини беради.

Бундан ташқари, ушбу хизмат тури орқали mijozлар (jismoniy шахслар) бир пластик картдан бошқа пластик картага пул ўтказиш, пластик карта ҳисоб рақамидаги қолдиқ маблағларни кўриш, ушбу қолдиқ маблағлар ҳисобидан кредитнинг асосий қарзи ва ҳисоблан-

ган фоизини сўндириш ва бошқа мақсадларда маблағлар ўтказиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар «AGROBANKMOBILE» мобил иловаси орқали банкдаги ҳисоб рақамидаги маблағларни тасарруф этиш (бошқариш) имкониятига эга бўлади. Шунингдек, улар амалдаги қоидаларга риоя қилган ҳолда хизматлар учун тўловларни ўтказиш, доимий тўловлар шаблонини ҳосил қилиш, вақт ва транспорт харajatларини тежасан ҳолда банкка тўлов ҳужжатларини юбориш, реал вақт мобайнида бу ҳужжатларнинг қайта ишланишини кузатиб бориш, хатоликлар тўғрисида тезкор маълумотлар олиш, исталган мuddат учун ҳисобрақамлардан кўчирма олиш, турли ҳисоботларни шакллантириш ва ўз тўловларини электрон имзо ёрдамида тасдиқлашлари мумкин.

Мобил телефон орқали бир пластик картдан бошқасига маблағ ўтказиш учун «PAYME» хизмат тури жорий қилинди. Ушбу хизмат турига рўйхатдан ўтиш жуда осон. Бунинг учун mijoz телефон рақамини киритади ва ҳисоб учун паролни ўрнатади, активлаштириш учун SMS орқали келган кодни тeради ва картасини киритади. Картани қўшиш учун карта номини киритиш керак (масалан: менинг карта). Карта рақами амал қилиш мuddати тeрилади, улар пластик картада кўрсатишган. Мазкур хизмат турига уланган mijozлар картдан картага тезкор пул ўтказмаларини бажаришлари мумкин.

Бундан ташқари, «Woy-wo» хизмат тури ҳам тақдим этилмоқда. Бу Ягона Умумреспублика процессинг маркази қошида ташкил этилган тўлов интернет веб-сайт портали бўлиб, унинг кумагида интернет алоқа, мобил алоқа, телевидение, коммунал тўловлар, чипталар, ҳар хил товарлар ҳамда сугурта тўловларини амалга ошириш имконияти mavjud.

Мухтасар айтганда, «Агробанк» АТБ томонидан замонавий ахборот-технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда масофавий электрон хизматлар кўламини ошириш ҳамда кенг аҳоли оmmasига янги хизмат турларини тақдим этиш ва бу жараёндаги ишларни ҳаётга татбиқ этиш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмақда.

Зафаржон МАМАЖОНОВ,
Пластик карталар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи.
Хизматлар лицензияланган.

Ёзги соғломлаштириш

Билим ва ҳордиқ уйғунлиги



Бўстонлик туманининг баҳаво тоғ этакларида жойлашган «Геолог» оромгоҳи кўлаб болажонларнинг сеvimли дам олиш масканига айланган. 1958 йилдан буён фаолият юритиб келаётган оромгоҳнинг умумий майдони 12 гектарни ташкил қилади. Турли хил дарахт ва арчазорлар худудга ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Мавжуд кўлаб тоғ жинслари геология соҳасига қизиқувчилар учун аини мuddao.

Оромгоҳга ёндош «Совуқ булоқ» дарасида ташкил этиладиган ўқув амалиётида болалар малакали мутахассислар ёрдамида турли хил тоғ жинслари, минералларни мақсадли йиғиб, унинг қайси даврга тегишлилиги, қандай номланиши ва пайдо бўлиш сабабларини ўрганади. Хуллас, бу жой бўлажак геологлар учун ўқув амалиёт майдони вазифасини ўтайди.

Оромгоҳда мавсум давомида тўрт навбат ташкил қилинган бўлиб, ҳар навбатда 600 нафар ўғил-қизнинг мазмуни ҳордиқ олиши учун қулайликлар яратилган. Бу ерда тарбиячилардан ташқари геология соҳасининг мутахассислари ҳам фаолият кўрсатади. Улар Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида ташкил этиладиган ички фан олимпиадасини ўтказиб, амалий ва назарий дарс машғулотларини олиб боришади. Бу ёш авлодни геологияга қизиқтириш, соҳа

учун малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Ёзги таътилни мазмуни ўтказиш мақсадида ташриф буюрган болажонларга «ёш геологлар» дея мурожаат қиламиз, — дейди Геология музейи директори Аҳмаджон Аҳмедшаев. — Мавжуд 12 бинода дам олиш хоналари билан бир қаторда замонавий тиббиёт хоналари, кичик геология музейи, ошхона ва ўйингоҳлар улар хизматида. Футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, очиқ чўмилиш ҳавзаси ҳар маҳал гавжум. Ҳар куни маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. 6 маҳал овқатланиш тизими жорий қилинган.

Мустиқиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган «ёш геолог» фан олимпиадасида иқтидорли болалар ўзаро куч сынашди. Унда юртимиз географияси, экологияси, табиий геологик жараёнларини қамраб олган тест қўраёнишидаги савол-жавоблар орқали болаларнинг билим ва кўникмалари текширилди.

— Мусобақада биринчи ўринни эгаллашимда отаонам ва устозларимнинг меҳнати катта бўлди, — дейди Аминжон Баратов. — Бу масканда туртинчи маротаба дам олаяпман. Кўнгилдагидек шароит,

таълим олиш учун яратилган қулайликлар мени айнан ушбу оромгоҳ сари етаклайди. Максатим келажақда малакали геолог бўлиб етишиб, юртимиздаги янги фойдали қазилма конларини излаб топиш ва мавжудларидан оқилона фойдаланишга ҳаётимни бағишлашдир.

Мусобақа якунида иштирокчиларни рағбатлантириш ва уларни кўлаб-қувватлаш мақсадида Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Геология музейи ва оромгоҳ маъмурияти томонидан тадбир ташкил қилинди. Иштирокчи ва ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Оромгоҳимиз асосан 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган, — дейди Геология музейи мутахассиси Ҳамза Соилов. — Ҳафта давомида бир неча бор мутахассис ва тарбиячилар кўмагида ўқув амалиёти ташкил этилиб, тоғ жинслари ўрганилади. Бундан 70 млн. йил олдинги — қуйи мел даврига тааллуқли тошга айланган дарахт қолдиқлари ҳам ёш геологлар томонидан айнан ушбу худудда топилган.

Дам олувчи болажонларнинг ўзаро иноқлиги, ҳар бир ишни ҳам-жиҳатлик билан бажаришини кузатиб, юртимизнинг бугунги бахтиёр фарзандлари келажақда нималарга қодирлиги ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлди.

Сулаймон ҲАЙДАРОВ,
«Ishonch» мухбири

ХАЛҚ БАНКИ

ЖАМОАСИ ХАЛҚИМИЗНИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!

Халқ банки жамоаси юртдошларимизга қуйидаги истеъмол кредитларини тақдим этади:

- мебел, электр маиший техника, компьютер, ошхона жиҳозлари;
- уй-рўзғор товарлари;
- автотранспорт воситаларига метан газ мосламаларини ўрнатиш ва бошқалар...

Xalq banki — doim siz bilan birga!

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:

Ўзбекистон қасба-ушумлари Федерацияси

2007-йил 11-январда Ўзбекистон Маибуот ва ахборот агентлигида 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LMILAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69 — 256-82-79
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-85-43
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasini, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflar fikri ta'hiriyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Toshev

Navbatchi:
J.Ergashev

Musahhih:
S.Shodiyeva

Sahifalovchi:
H.Abdullolov

Boshiga topshirish vaqti — 21:00
Topshirdi — 21:30

1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma T — 815. 14176 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyat xizmat raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIS «Ishonch» Banki Vinnobod filiali, bank kodi: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100